O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI
QORAKO‘L TUMAN HOKIMINING
QARORI

Qorako‘l t., Ulug‘bek ko‘chasi 35-uy

2023 - yil 26 - may 150-2-37-Q/23 Qorako'l tuman hokimligi

Қоракўл туманида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида ҳарбий ҳисобни ва брон қилиш ишларини юритиш ҳамда ташкиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори талабларини бажариш мақсадида ҳамда туман мудофаа бўлимининг 2023 йил 10 апрелдаги 304-сонли хатини инобатга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман мудофаа бўлимининг 2023 йил 10 апрелдаги 304-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғини, кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотлар, шу жумладан таълим муассасаларининг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат Статистика қўмитаси томонидан белгиланган қоида ва шакллар бўйича барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар рўйхатининг тўкислиги ва сифатлилигини таъминлаш;

Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган ташкилот, муассаса, корхона ва таълим муассасаларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва ушбу тоифани иқтисодий тармоқларига

брон қилиш ишларини ташкиллаштириш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2023/24 йил давомида текшириш режаси; (*1-иловага асосан*)

Ҳарбий хизматга мажбурлар сафарбарлик чақируви резерви ва чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, яшаш жойи, техник ва умумтаълим тайёргарликдаги ўзгаришларни мунтазам ҳисобга олиб бориш, бу ҳақида туман мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатларда ҳар ойда камида бир марта маълумот бериш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган бронлаш бўйича рўйхатга мувофиқ иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар, малакали ишчилардан иборат ҳарбий хизматга мажбурларни ўз вақтида бронлашни расмийлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

ҳар йил декабр ойида туман мудофаа ишлари бўлимига ҳарбий хизматга тайёрлаш лозим бўлган чақириққача ёшдаги ўсмирлар ва туман чақирув пунктида қайд қилиниши лозим бўлган ўсмирлар рўйхатларини тақдим қилиш;

Мудофаа ишлари бўлимининг талабига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимига келишлари ҳамда хабардор қилиш ва ўз вақтида етиб келишларида кўмаклашиш;

янги ишга (ўқишга) қабул қилинганлар ва ишдан бўшатилганлар (ўқишдан чиқариб юборилган) барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳақида 7 кунлик муддат ичида мудофаа ишлари бўлимига хабар бериш;

фуқароларни ишга (ўқишга) қабул қилишда уларда ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари мавжудлигини текшириш (ҳарбий хизматга мажбурларда – захирадаги офицер гувоҳномаси, ҳарбий гувоҳнома, чақирилувчиларда чақирув пунктида қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳнома, сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларида-ҳарбий гувоҳнома ёки мудофаа ишлари бўлимидан берилган, СЧР да хизматни ўтаётганлиги ҳақида маълумотнома) ва ҳарбий рўйхатда туриш-турмаслигини аниқлаш;

фуқаролар фақат яшаш жойлари бўйича ҳарбий рўйхатга қўйилганлигидан сўнггина ишга (ўқишга) қабул қилиш топширилсин.

3. Қоракўл тумани мудофаа ишлари бўлими (З.Алибаев)га:

туман ички ишлар бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи, суриштирув ва даслабки тергов органлари, тиббий–меҳнат экспертиза комиссияси ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, шу жумладан таълим муассасаларининг раҳбарларидан, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига амал қилиши юзасидан мажбуриятлар қабул қилиш;

Қоракўл тумани ҳудудидаги ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга ҳарбий ҳисобини юритиш ишларини ташкиллаштириш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2023/24 йил давомида комплекс равишда текшириш тартибларининг режаси; *(2-илова текширув режаси бўйича)*

туманда жойлашган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган ходимлар билан ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар ва сафарбарлик чақирув резерви хизматчиларини бошланғич ҳарбий ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ўзларига юклатилган мажбуриятларини бажариш бўйича ўқув услубий машғулот ўтказилишини ташкиллаштириш *(Мудофаа ишлар бўлимининг алоҳида режасига асосан);*

корхона, муассаса, ташкилотлар, шу жумладан таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳарбий ҳисобни юритувчи масъул ходимлар билан ҳарбий рўйхат бўйича масалалар ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида бронлаш ҳамда уларнинг ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажариш бўйича ўқув услубий машғулот ўтказилишини ташкиллаштириш (*Мудофаа ишлар бўлимининг алоҳида режасига асосан*) топширилсин.

4. Тумандаги корхона, муассаса, ташкилотлар ва таълим муассасаларининг раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли қарорига асосан Қоракўл тумани Мудофаа ишлари бўлимига ҳарбий ҳисобни юритиш ва брон қилиш ишларини ўз вақтида сифатли бажарилиши учун (жадвалга биноан) бир нафардан малакали ишчи ходимларни техник хизматчи сифатида ажратиш топширилсин.

5. Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи З.Алибаевга ушбу

қарорнинг талабларини ички ишлар бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, шу жумладан таълим муассасаларининг раҳбарларига белгиланган тартибда етказиш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Р.Мухторов ҳамда Қоракўл тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи З.Алибаевлар зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Х.Я.Тоҳиров**

Qorako'l tuman hokimining
2023 yil 26 maydagi
150-2-37-Q/23-son qaroriga
1-ilova

Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган ташкилот, муассаса, корхона ва таълим муассасаларида ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва ушбу тоифани иқтисодий тармоқларига брон қилиш ишларини ташкиллаштириш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2023/24 йил давомида текшириш

РЕЖАСИ

Т/р.	Ташкилот, муассаса, корхона, ёки таълим муассасасининг номи	Ташкилот раҳбари ёки кадрлар бўлими бошлиғининг телефон рақами	Текширув ўтказиш муддати	Ўтказилган текширув натижаларига кўра берилган баҳо	Текширув давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати	Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёзасидан юлланган ёзма жавоб	Текширув тадбирларини ким ўтказади
1	Қоракўл туман “Дон маҳсулотлари” АЖ	56-57331	17.05.2023				
2	Туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси	56-52251	13.06.2023				
3	УСКТ Ватанпарвар ташкилоти	56-53580	11.07.2023				
4	“Бухоросувтаъминот” МЧЖ туман филиали раҳбари	56-51381	15.08.2023				
5	Туман иқтисодиёт ва молия бўлими	56-52698	13.09.2023				
6	Туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими	56-51766	10.10.2023				
7	Туман ирригация бўлими	56-52324	14.11.2023				
8	Туман тиббиёт бирлашмаси	56-53516	09.01.2024				
9	Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими	56-57345	12.12.2023				

10	Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейи	56-52351	13.02.2024				

Qorako'l tuman hokimining
2023 yil 26 maydagi
150-2-37-Q/23-son qaroriga
2-ilova

Қоракўл тумани ҳудудидаги ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга ҳарбий ҳисобини юритиш ишларини ташкиллаштириш ва олиб боришга доир ишлар ҳолатини 2023/24 йил давомида комплекс равишда текшириш тартибларининг

РЕЖАСИ

Т/р	Ўзини ўзи бошқариш органларининг номланиши	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг телефон рақами	Текширув ўтказиш муддати	Ўтказилган текширув натижаларига кўра берилган баҳо	Текширув давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати	Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёзасидан юлланган ёзма жавоб	Текширув тадбирларини ким ўтказади
1	Қораҳожи МФЙ	56-34-116	18.05.2023				
2	Қуввача МФЙ	56-31-205	01.06.2023.				
3	Дарғали МФЙ	56-32-116	06.07.2023				
4	Қозон МФЙ	56-33-241	03.08.2023				
5	Бандбоши МФЙ	56-53-818	07.09.2023				
6	Полвонлар МФЙ.	56-38-330	05.10.2023				
7	Сайёт МФЙ	56-35-280	02.11.2023				
8	Қоракўл МФЙ	56-52-891	07.12.2023				
9	Қулончи МФЙ	56-52-891	04.01.2024				
10	Маллаишайх МФЙ	56-26-141	25.01.2024				

11	Зиёрат МФЙ	56-41-580	01.02.2024				
12	Шўробот МФЙ	56-35-365	22.02.2024				
13	Човли МФЙ	56-39-379	07.03.2024				
14	Чандиробод МФЙ.	56-48-104	21.03.2024				
15	Қуйи янгибозор МФЙ	56-34-116	04.04.2024				
16	Жиғачи МФЙ	56-30-294	18.04.2024				